

I. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 950,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	950,9	103,0	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,4	91,5	0,1
нодавлат мулки	950,5	103,0	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	91,1	117,4	9,6

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-мартда 73,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 136,7 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 877,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,9 фоизга ошган.

2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	950,9	103,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	73,7	136,7	7,7
Якка тартибдаги тадбиркорлик	877,2	100,9	92,3
<i>шундан:</i> уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	49,8	101,5	5,2

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 19,1 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-мартга нисбатан 1,1 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1,6 фоизга ошди ва 515,4 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-март ойларида 412,0 минг сўмни ташкил этган).

2018 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 941,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 265,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,2 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 105,7 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши


	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	941,2	105,7	100,0
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	78,7	114,6	8,4
молиявий хизматлар	116,7	126,3	12,4
транспорт хизмати	249,6	101,1	26,5
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	150,9	102,9	16,0
яшаш ва овқатланиш хизматлари	30,2	110,8	3,2
савдо хизматлари	242,3	100,1	25,7
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	31,9	102,4	3,4

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
таълим соҳасидаги хизматлар	47,4	109,1	5,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	10,1	106,3	1,1
ижара ва прокат хизматлари	22,0	110,6	2,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	33,8	100,8	3,6
бошқа шахсий хизматлар	41,3	100,0	4,4
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	10,9	118,8	1,2
бошқа турдаги хизматлар	26,3	104,9	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 26,5 фоизи), савдо (25,7 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (126,3 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (118,8 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (114,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,8 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (110,6 фоиз), ўсиш суръати юқори бўлди.

**2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор
хизматлари ишлаб чиқариш**



Жорий йил январь-март ойлари давомида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган бўлиб, 249,6 млрд. сўмни ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврига (2017 йилда 198,1 млрд. сўм) нисбатан 1,1 фоизга ошган, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳажмида савдо хизматлари 242,3 млрд. сўм (2017 йилда – 161,2 млрд. сўм), молиявий хизматлар – 116,7 млрд. сўм (2017 йилда 80,1 млрд. сўм) ва таълим соҳасидаги хизматлар – 47,4 млрд. сўм (2017 йилда – 35,4 млрд. сўм) ҳиссаларига тўғри келди.